

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ТОЖИБОВ БЕРИЖОН МАМИТЖОНОВИЧ

**МАШИНАСОЗЛИК МАҚСАДЛАРИДА КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР
ВА ЛОК-БЎЁҚ ҚОПЛАМАЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ТАРКИБИ ВА
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ИМКОН БЕРУВЧИ
ИЧКИ КУЧЛАНИШЛАРНИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА
КАМАЙИШИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Тожибоев Беғижон Мамитжоновић

Машинасозлик мақсадларида композицион полимер ва лок-бўёқ
қопламаларининг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга
имкон берувчи ички кучланишларни пайдо бўлиши ва камайишининг
методологик асослари.....3

Тожибоев Беғижон Мамитжоновић

Методологические основы возникновения и понижения внутренних
напряжений при формировании композиционных полимерных и
лакокрасочных покрытий машиностроительного назначения, позволяющие
разработать эффективный состав и технологию их получения.....33

Tojiboyev Begijon Mamitjonovich

Methodological principles of the occurrence and reduction of internal stresses during
the formation of composite polymer and paint coatings for mechanical engineering
purposes, allowing the development of effective compositions and technology for
their production.....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....67

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ТОЖИБОВ БЕРИЖОН МАМИТЖОНОВИЧ

**МАШИНАСОЗЛИК МАҚСАДЛАРИДА КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР
ВА ЛОК-БЎЁҚ ҚОПЛАМАЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ТАРКИБИ ВА
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ИМКОН БЕРУВЧИ
ИЧКИ КУЧЛАНИШЛАРНИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА
КАМАЙИШИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.DSc/T775 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида www.gupft.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziynet.uz да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Негматов Сайибжон Садикович
техника фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА академиги

Абед Нодири Сайибжоновна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рискулов Алимжон Ахмаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Каршиев Мамараим Санаевич
техника фанлари доктори, доцент

Холмуродова Дилафруз Куватовна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти


Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «26» март соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: gupft@inbox.uz «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2- қават, анжуманлар зали).


Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№41-24 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2025 йил «14» март кунини тарқатилди.
(2025 йил «12» ноябрдаги № 41-24 рақамли реестр баённомаси).




Т.О. Камолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раис ўринбосари, т.ф.д., к.и.х.


М.Э. Икратова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.


А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда турли соҳаларда қўлланиладиган машина ва механизмларнинг ишчи органларида ишлатиладиган самарали полимер ва лок-бўёқ материаллари ҳамда улар асосидаги қопламаларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормокда. Бу борада, жумладан паст ички кучланишли ва юқори адгезион-когезион хусусиятларга, шунингдек умрбоқийликка эга бўлган композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари ҳамда улар асосидаги қопламаларни физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш, машина ва механизмларнинг ишчи органларини ишлаш қобилияти ва самарадорлигини оширишга имкон берадиган сифатли полимер қопламаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда комплекс хусусияти жиҳатидан барча талабларга жавоб берадиган янги структурадаги полимер асосли лок-бўёқ материаллари ва улар асосидаги қопламаларни олиш усулларини аниқлаш, улардан ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотларнинг янги ассортиментларини ишлаб чиқиш учун янги замонавий техника ва технологияларни яратиш ва ишлаб чиқариш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Бу борада, жумладан, композицион полимер, лок-бўёқ материаллар ва улар асосидаги қопламаларни сифатини ошириш мақсадида қўлланиладиган полимер композицияларнинг оптимал таркибини, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш, лок-бўёқ материаллар ва қопламаларнинг ички кучланишларга таъсир этувчи ташқи омиллар билан ўзаро таъсир механизмининг тадқиқ қилиш ҳамда самарали композицион полимер, лок-бўёқ материаллари ва улар асосидаги қопламаларни ишлаб чиқиш технологиясини яратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикаимизда маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион полимер, лок-бўёқ материаллари ва улар асосидаги қопламаларни ишлаб чиқишнинг замонавий усулларини яратиш, машинасозлик саноатини ривожлантириш, композицион полимер ва лок-бўёқ материаларидан тайёрланадиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмокда. Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш...»¹, бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, композицион полимер, лок-бўёқ материаллари ва улар асосидаги қопламаларнинг таркиби, тузилиши ва технологик ҳамда эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш учун полимер композициясини олишнинг такомиллашган технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги №ПФ-5963-сон “Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 15 мартдаги №ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 21 августдаги №ПҚ-4812-сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи² Композицион полимерлар ва органоминерал ингредиентлар асосида маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда янги композицион материалларни яратиш ва технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: International Fertilizer Development Center (АҚШ), University of Science and Technology (Хитой), University of Helsinki (Финландия), Institute of Physics, University of Amsterdam (Нидерландия), University of Konstanz (Германия), New Materials Institute (Германия), Israel Research Center (Исроил), University Institute of Science (Туркия), Poznan University Of Technology (Польша), Сибирь қурилиш материаллари ва янги технологиялар илмий-тадқиқот институти, Томск политехника университети, Томск давлат университети, Тюмень индустриал университети, Н.С.Курнаков номидаги Умумий ва ноорганик кимё институти, Н.Н.Семенов номидаги Кимёвий физика институти (Россия), Белоруссия давлат технологик университети (Беларусь), Рудный индустриал институти (Қозоғистон), В.И.Никитин номидаги Кимё институти (Тожикистон), Ўзбекистон Миллий университети, И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Самарқанд давлат техника университети, Урганч давлат университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Умумий ва ноорганик кимё институти, Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.natlib.uz/ru>; <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.niuif.ru> ва бошқа ресурслар.

Жахонда композицион полимер материаллари ва улар асосидаги қопламалар ҳамда маҳсулотлар олиш технологияси, уларнинг таркибига органоминарал ингредиентларни киритиш ва уларни модификациялаш усуллари ишлаб чиқиш, яратилган лок-бўёқ қопламаларини физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хусусиятларни яхшилашга оид олиб борилган тадқиқотлар бўйича бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: композицион лок-бўёқ қопламаларни физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларни яхшилаш мақсадида кимёвий модификациялаш усуллари ишлаб чиқилган (М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, РФА Н.С. Ениколопов номидаги Синтетик полимер материаллари илмий-тадқиқот институти, Н.Н. Семёнов номидаги Кимёвий физика институти, Москва кимё-технология университети (Россия), Неапол университети (Италия), Леон техника университети (Франция), Ливерпул университети (Англия) ва П.О. Сухов номидаги Гомел техника университети (Беларус); антифрикцион ва ейилишга бардошли композицион полимер материалларни янги таркиблари яратилган (Беларус Миллий Фанлар академиясининг В.А.Белий номидаги металлополимер тизимлари механикаси институти), турли мақсадларга мўлжалланган янги композицион полимер материалларни олиш технологиялари ва композицион полимер материалларнинг конструктив тебранишларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (Беларус Миллий Фанлар академиясининг янги материаллар кимёси институти, Украина Миллий Фанлар академиясининг Материалшунослик институти).

Дунёда маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш орқали, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: юқори атмосфера таъсирига чидамлилик, кимёвий барқарорлик ва ишқаланиш ҳамда тебранишларда ейилишга чидамлигини аниқлаш, коррозияга чидамли композицион материалларни реакцион фаол бирикмалар, қўшимчалар билан модификациялаш ва композицион полимер материалларнинг самарали таркибини ишлаб чиқиш йўли билан коррозияга чидамли композицион материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, шаклланиш жараёнлари кинетикасини ўрганиш; адгезион, мустаҳкамлик ва бошқа физик-механик хоссаларини ўрганиш, термореактив полимер композицияларни қотиришнинг илмий асосланган механизмларини аниқлаш, физик-кимёвий модификацияланган титрашни ютувчи, шовқиндан ҳимояловчи, шовқинни машинасозлик, металлургия, кимё, нефть-кимё, тўқимачилик, қурилиш индустрияси ва саноатнинг бошқа тармоқларида буюмлар ва қопламалар тайёрлаш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги антифрикцион, коррозияга қарши, электр изоляцион ва бошқа зарарсиз композициялар, уларни деталлар, юпқа деворли конструкциялар, машина ва механизмлар корпусларига қўллаш олиш технологияси ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда полимер-лок-бўёқ материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг чидамлилигини ўрганишнинг илмий-услубий ёндашувларини ишлаб чиқишга қуйидаги хорижий ва

махаллий олимлардан: Ребиндер П.А., Каргин В. А., Гликман С.А., Трапезников А.А., Александров А.П., Лазуркин Ю.С., Кобеко П.П., Кувшинский Е.В., Журков С.Н., Регел В.Р., Догадкин Б.А., Бартенев Г.М., Гул В.Е., Зуев Ю.С., Карякина М.И., Слонимский Г.Л., Соголов Т.И., Малинский Ю.М., Алфрей Т., Тобольский А.В., Дж. Ферри, Ерохин М.Н., Гайдар С.М., Усманов Х.У., Аскарлов М.А., Негматов С.С., Рашидова С.Ш., Рахмонбердиев Г., Джалилов А.Т., Юсупбеков А.Х. ва бошқалар. Ички кучланишлар нисбатан тўлиқ Санжаровский А.Т., Зубов П.И., Суходол А.В., Слонимский Г.Л., Каргин В.А., Шрейнер С.А., Малинский Ю.М. ва Якубович С.В.лар томонидан ўрганилган.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари ва улар асосидаги қопламаларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишда қўлланиладиган усуллар ва қурилмалар улардаги ички кучланиш қийматларини етарлича аниқламайди, бу эса машина ва механизмларнинг ишчи қисмлари учун қопламаларнинг чидамлилигини нотўғри таҳлил қилишга олиб келади. Бу борада, композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари ва улар асосидаги қопламаларда юқори аниқликда ички кучланишларни аниқлашга имкон берадиган самарали усул ва универсал қурилмани ишлаб чиқиш, шунингдек уларни паст ички кучланишлар ва юқори адгезион-когезион хусусиятлар ва шунга мос равишда чидамlilik билан ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш батафсил ёритилмаган. Ушбу диссертация ишида мавжуд муаммони ҳал қилишга доир масалалар кенг ёритиб берилган.

Илмий тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №Ф-7-9 «Полимер материалларнинг адгезион хоссаларини ингредиентларга боғлиқ ҳолда шаклланиши ва бузилиши механизмларини ўрганиш ва самарали полимер, лок-бўёқ композицион материаллар ва улар асосида қопламаларни яратиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади машинсозлик мақсадларида композицион полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг самарали таркиб ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга имкон берувчи ички кучланишларни пайдо бўлиши ва камайишининг методологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

полимер ва лок-бўёқ қопламаларда ички кучланишлар механизмларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш ҳамда уларнинг мустаҳкамликка таъсирини таҳлил қилиш;

ички кучланишларни аниқлашнинг мавжуд усуллари ва қурилмаларини таҳлил қилиш, уларнинг самарали усулини ишлаб чиқиш ва ички кучланишларни юқори аниқликда ўрганиш имконини берувчи қурилманинг асосий параметрларини аниқлаш;

полимер ва лок-бўёқ қопламалардаги ички кучланишларни консол усулида аниқлашни ривожлантириш орқали консолли металл асосида кучланишни ўрганиш учун самарали усулни ишлаб чиқиш;

таклиф этилаётган кучланиш усули асосида полимер ва лок-бўёқ қопламалардаги ички кучланишларни консол усулида аниқлаш имконини берувчи универсал қурилмани ишлаб чиқиш, яратиш ва конструкциялаш;

ишлаб чиқилган оригинал қурилмада полимер ва лок-бўёқ қопламаларида ички кучланишларнинг пайдо бўлиш жараёнини тадқиқ қилишда таклиф этилаётган усул ва оригинал қурилмани полимер ва лок-бўёқ қопламаларини қуриш - ҳавода ва нам муҳитларда қотиш вақтидан ички кучланишларнинг ўсиш-тўпланиш қонуниятини тадқиқ қилиш орқали синовдан ўтказиш;

полимер ва лок-бўёқ қопламаларда ички кучланишларни камайтириш имкониятларини ўрганиш ва қопламаларнинг мустаҳкамлиги ҳамда умрбоқийлигини ошириш мақсадида ички кучланишларни камайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш;

назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида паст ички кучланиш ва юқори адгезион мустаҳкамликка эга полимер ва лок-бўёқ материаллар ҳамда улар асосида қопламалар яратиш учун самарали таркиб ва технология ишлаб чиқиш;

самарали композицион полимер ва лок-бўёқ материаллар ҳамда улар асосида қопламалар яратиш учун илмий-технологик принциплар ва такомиллаштирилган технологияни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган полимер ва лок-бўёқ материаллари ва улар асосидаги қопламаларни саноат синовларидан ўтказиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни эксплуатация шароитида қўллашнинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эпоксид смолалари ва улар асосидаги локлар, полиэфир локлар, алкид полимерлар, изоционат асосидаги қотирувчилар, рутин метали, полиаминлар ва АГМ9, толдирувчилар - каолин, тальк ва бошқа органоминарал ингредиентлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қопламаларда ички кучланишлар пайдо бўлиши қонуниятларини ўрганиш ва уларнинг таъсирини таҳлил қилиш, ички кучланишлари камайтирилган ва физик-механик хусусиятлари ҳамда мустаҳкамлиги оширилган композицион полимер ва лок-бўёқ қопламаларини яратишга имкон берувчи янги куч усули ва оригинал қурилма ишлаб чиқиш, адгезион ва мустаҳкамлик хусусиятларини ошириш орқали қопламаларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва умрбоқийлигини ошириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг ички кучланишларини консол ва куч усули асосида яратилган қурилмада ва қопламаларнинг физик-механик хоссалари умумқабул қилинган усуллар ва қурилмалар ёрдамида, ИҚ – спектроскопия, замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида, вискозиметрия, сталогмометрия ва бошқа МДХ мамлакатларида қабул қилинган стандарт таҳлил усуллари фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полимер ва лок-бўёқ қопламаларида ички кучланишларни аниқлашнинг консол усулини ишлаб чиқиш орқали эластик металл тагликдаги қопламаларда ички кучланишларни аниқлашнинг куч усули намуна микрометрик винт билан дастлабки ҳолатга чиқишда пружинага таъсир қилувчи куч орқали аниқлаш асосланган;

таклиф этилган ташқи куч орқали аниқлаш усули асосида ҳарорат ва турли шароитларда полимер ва лок-бўёқ қопламалардаги ички кучланишларни ташқи куч ва консол усулларида ўлчайдиган универсал қурилма ишлаб чиқилган, яратилган ва конструкцияланган;

полимер ва лок-бўёқ қопламаларда ички кучланишларнинг келиб чиқиш механизмлари, ички кучланишларнинг асосий сабаби тизимда релаксацион жараёнларнинг секинлашиши, полимер-таглик ҳамда полимер-тўлдирувчи ўртасидаги ўзаро таъсир мустаҳкамлиги ортиши билан ички кучланишлар кескин ошиши аниқланган;

ички кучланишларни полимер ва лок-бўёқ қопламалари ҳосил бўлиш жараёнида қотирувчилар билан аниқлаш мумкинлиги, релаксацион жараёнларнинг секинлашиши, қопламалардаги ички кучланишларга қопламани совишида ҳосил бўлиш жараёни, тезлигини аниқловчи омиллар таъсири, эритувчининг хусусиятлари ва турли таркибий қўшимчаларнинг таъсири алоҳида аҳамиятга эга эканлиги аниқланган;

ички кучланишлари камайтирилган, юқори адгезия ва мустаҳкамлик хусусиятларига эга бўлган композицион полимер ва лок-бўёқ материаллар ҳамда қопламаларнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган, қопламаларнинг турли шароитларда умрбоқийлиги ва ишончилигини оширишга ёрдам бериши аниқланган;

полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг ички кучланишларини қопловчи плёнка ҳажмига ва субстрат-таглик адгезияси чегарасида ҳосил бўладиган молекуляр тузилишга ҳамда қоплама қалинлигига таъсири орқали бошқариш ва ички кучланишларни пасайтириш имкониятлари асосланган, полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг чидамлилигини оширишни аниқлаш имконини берувчи ички кучланишларни ҳосил бўлиши ва пасайиши ҳамда адгезион-мустаҳкамлик хоссалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган;

ички кучланишларни камайтириш ва юқори адгезион-когезион мустаҳкамлик хоссалари ҳамда шунга мос равишда умрбоқийлиги юқори бўлган қопламалар олиш имконини берувчи технология ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полимер ва лок-бўёқ қопламалардаги ички кучланишларни аниқлаш учун янги ташқи куч орқали аниқлаш усули ва оригинал қурилма ишлаб чиқилган, қопламаларда ички кучланишларни юқори аниқлик билан аниқлаш имконини бериши аниқланган;

таклиф этилган ташқи куч орқали аниқлаш усули асосида полимер ва лок-бўёқ қопламалардаги ички кучланишларни аниқлаш учун оригинал

қурилма конструкцияланган, қурилма турли ҳарорат шароитларида ички кучланишларни юқори аниқлик билан ўлчаш аниқланган;

полимер ва лок-бўёқ қопламаларда, шунингдек, таглик-асосий материаллар устида органоминарал ингредиентларнинг қўлланилиши аниқланди, бу ички кучланишларни сезиларли даражада камайтириш ва адгезион мустаҳкамлигини ошириш имконини берди, бу эса эксплуатация шароитида юқори самарадорлик ва умрбоқийликка эга полимер ва лок-бўёқ қопламалари яратилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг ички кучланишларини, шунингдек, уларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш учун қўлланилган умумий қабул қилинган ва ишлаб чиқилган усуллар ва қурилмаларнинг мажмуаси билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер ва лок-бўёқ қопламалар шаклланиш жараёнида ички кучланишларнинг пайдо бўлиши ва йиғилиши қонуниятларини ўрганиш асосида юқори аниқликда қопламалардаги ички кучланишларни аниқлаш имконини берадиган куч усули, ички кучланишларнинг пайдо бўлиши ва камайиши, адгезион ва мустаҳкамлик хусусиятларини ошириш бўйича чуқур тадқиқотлар натижасида полимер ва лок-бўёқ материаллари ҳамда улар асосидаги қопламаларнинг мустаҳкамлиги ва узоқ муддатлилигини назарий ва амалда асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу яратилган полимер ва лок-бўёқ қопламалардаги ички кучланишларни аниқлашда куч усули асосида оригинал қурилма ишлаб чиқилган ва ҳавода ички кучланишларни аниқлаш, ички кучланишлари камайтирилган, юқори адгезион-когезион мустаҳкамлик хусусиятларига ва шу билан бирга юқори мустаҳкамлик ва умрбоқийликка эга қопламалар яратиш технологияси таклиф қилинган, бу қопламалар қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмларининг ишчи органларида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Машинасозлик мақсадларида композицион полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг самарали таркиб ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга имкон берувчи ички кучланишларни пайдо бўлиши ва камайишининг методологик асосларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички кучланишлари камайтирилган, юқори адгезион ва мустаҳкамлик хусусиятларига эга ҳамда умрбоқийликка эришишга йўналтирилган самарали композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари “Кувамештех сервис” МТПда (Фарғона вилояти) пахта териш машиналари, дон йиғувчи комбайнлар ва турли тракторларнинг қисмлари, узеллари ва корпусларида амалиётга жорий этилган (“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ Хўжалиги Вазирлиги”, Қишлоқ Хўжалигида билим ва Инновациялар Миллий Марказининг 2024 йил 15 октябрдаги 05/15-04-519-сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган композицион полимер материаллардан паст ички кучланиш ва юқори адгезион мустаҳкамликка эга қоплама сифатида қишлоқ хўжалиги ва

бошқа турдаги машина ва механизмларида кенг фойдаланиш имконини берган;

полимер ва лок-бўёқ қопламалардаги ички кучланишларни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган самарали усул Наманган вилоятидаги “Агросервис МТП” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ Хўжалиги Вазирлиги”, Қишлоқ Хўжалигида билим ва Инновациялар Миллий Марказининг 2024 йил 15 октябрдаги 05/15-04-519-сонли маълумотномаси). Натижада, қопламаларнинг ички кучланишларини 5-6 баробар камайтириш орқали қишлоқ хўжалиги техникаси конструкциялари ва корпусларида қўлланиладиган лок-бўёқ қопламаларининг умрбоқийлигини 1,8-2 баробар ошириш имконини берган;

композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари асосидаги қопламалар пахта териш машиналари, дон йиғувчи комбайнлар ва тракторларнинг юпка деворли металл конструкциялари сирт юзаларида қўллаш орқали (“Агросервис МТП” МЧЖда) амалиётга жорий этилган (“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ Хўжалиги Вазирлиги”, Қишлоқ Хўжалигида билим ва Инновациялар Миллий Марказининг 2024 йил 15 октябрдаги 05/15-04-519-сонли маълумотномаси). Натижада, қопламаларнинг адгезион мустаҳкамлигини 20-30% га ошириш ва ишлатилаётган материаллар қийматини 3-3,5 баробарга камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 22 та Республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 21 та илмий мақола, жумладан, 14 таси Республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 180 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги белгилаб берилган. Шунингдек, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати келтирилган, ишнинг апробация натижалари, нашр этилган ишлар тўғрисида маълумотлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Полимер ва лок-бўёқ қопламаларида ички кучланишлар пайдо бўлишининг назарий ва амалий жиҳатларининг замонавий ҳолати ва уларнинг иш қобилияти ва чидамлилигига таъсири**» деб номланаган биринчи бобида полимер ва лок-бўёқ материалларида ҳамда қопламаларда ички кучланишларнинг пайдо бўлиши, уларни пасайтириш имкониятлари ва мустаҳкамликка таъсирига оид замонавий адабиёт манбалари таҳлили натижалари келтирилган. Полимер ва лок-бўёқ қопламаларда ички кучланишларни аниқлаш учун мавжуд усуллар, асбоблар ва қурилмалар ҳақида маълумот берилган.

Адабиёт манбаларидан маълум бўлишича, бу йўналишдаги муҳим вазифалардан бири ички кучланишлари паст бўлган композицион полимер лок-бўёқ материаллари ва улар асосида қопламалар яратиш ҳисобланади. Бундай қопламалар мустаҳкамлигини ошириб, улардан фойдаланиш конструкциялар, тунукадан тайёрланган иш органлари корпуслари ва механизмларнинг иш қобилияти ва хизмат муддатини узайтиришга ёрдам беради. Шу боис, полимер ва лок-бўёқ материаллари ҳамда қопламалардаги ички кучланишларни таҳлил қилиш учун самарали усул ва оригинал ускуна ишлаб чиқиш, шунингдек, ички кучланиш даражаси паст, мустаҳкамлиги юқори бўлган қопламаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Композицион полимерлар ва лок-бўёқ қопламаларда ички кучланишларни аниқлаш учун тадқиқот объектлари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ички кучланишларни ўрганиш учун тадқиқот объектларини танлаш асослаб берилган, экспериментал қурилманинг тавсифи келтирилган, полимер ва лок-бўёқ материаллари ҳамда улар асосидаги қопламаларнинг физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш методикаси ва уларни олиш усуллари баён қилинган, шунингдек, олинган экспериментал натижаларни статистик қайта ишлаш методикаси кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «**Композицион полимерлар ва лок-бўёқ қопламаларда ички кучланишларни аниқлаш учун янги кучланиш усулини ва универсал қурилмани ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида полимер қопламаларида ички кучланишларнинг пайдо бўлиш механизмлари бўйича тадқиқот натижалари, ички кучланишларни аниқлаш учун усулни ишлаб чиқиш ва лок-бўёқ қопламаларда ички кучланишларни аниқлашга асосланган асосий параметрларнинг аниқланиши ҳақида маълумотлар келтирилган.


Ички кучланиш ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш мақсадида, биринчи навбатда, биз 100 масс.қ. эпоксид Э-40 ва 10 масс.қ. полиэтиленполиамин композициясини қотиш жараёнини ўргандик. Қопламалар ва плёнкалар хона ҳароратида қотирилди.

Тадқиқотлар натижасида қотиш жараёни эпоксид ва амид гуруҳлари ўртасидаги реакция натижасида уч ўлчамли кимёвий структура ҳосил бўлиб, композицион полимер ва лок-бўёқ қопламаларида киришма ҳосил бўлиши ва

шунга мос равишда ички кучланишлар пайдо бўлиши аниқланди, бу узоқ муддат ишлаш мезонини баҳолаш бўлиб, диссертацияда батафсил келтирилган.

Шу билан бирга, қопламаларда ички кучланишларни аниқлаш учун кучланиш усулининг ишлаб чиқилишига эътибор қаратилган. Полимерлар ва лок-бўёқ қопламаларида ички кучланишларни аниқлаш учун консоль усулини такоминлаштирар эканмиз, эластик метал подложкада ички кучланишларни аниқлаш учун кучланиш усули ишлаб чиқилган.

Ички кучланишларни аниқлаш қуйидагича амалга оширилади. (Узунлиги "l" ва қалинлиги "t" бўлган тўғри бурчакли шаклдаги тагликка бир томондан Δt қопламаси суркалади. Наъмуна бир учи билан асбобга қўзғалмас қилиб маҳкамланади. Қоплама қотганда унда чўзувчи ички кучланишлар пайдо бўлади, улар асосни эгади, унинг эркин учини ноль ҳолатдан "h" катталиқка оғдиради, уларнинг ҳисобий схемаси 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Ички кучланишларни консол усулда аниқлашда ҳисоблаш схемаси

Профессор Санжаровский томонидан ишлаб чиқилган консол усули билан ички кучланишлар қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\sigma = \frac{hE_1 t^3}{3l^2(t+\Delta t)\Delta t} + \frac{hE_2(t+\Delta t)}{l^2} \quad (1)$$

бу ерда, Δt - қопламанинг қалинлиги;

t - металл тагликнинг қалинлиги;

L - текшириладиган намунанинг узунлиги - қопламали пластинкалар

B - тагликнинг кенлиги;

h - қопламага эга бўлган тагликнинг нол ҳолатдан оғиш катталиги;

E_1 ва E_2 - мос равишда таглик ва қоплама материалларининг эластиклик модули.


Консол усулининг пайдо бўладиган ишлаш тамойилларини, шунингдек, консол усулида плёнкадаги релаксацион жараёнларнинг содир бўлиш шароитларининг ўзгаришига олиб келадиган тагликнинг эгилиши туфайли плёнканинг таранглигини камайтиришни ҳисобга олган ҳолда, ушбу усул асосида биз Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети "Фан ва тараққиёт" ДУК олимлари ва илмий ходимлари билан биргаликда куч усулини ишлаб чиқдик ва лойиҳалаштирдик.

Шу билан бирга, полимер ва лок-бўёқ қопламаларидаги ички кучланишларни ўрганиш қурилмасининг асосий параметрлари ва геометрик

шакллари металл таглик, ўлчаш, ҳисоблаш қурилмаларининг дастлабки маълумотлари асосида конструктив жиҳатдан аниқланди.

Шундай қилиб, полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг эластиклик модули 50% га камайганда, улардаги ички кучланишларни аниқлашдаги хато фақат 0,8% ни ташкил қилади, металл тагликнинг эластиклик модули 80% га камайганда эса 1,5% дан ошмайди.

Куч усулини ишлаб чиқишда металл пластинка сиртида полимер ва лок-бўёқ қопламаларини қотиш жараёнида юзага келадиган синалаётган намунанинг эркин учи томонидан ҳосил бўладиган Р-кучланиш қийматини аниқлашда асосий характерловчи кўрсаткич деформацион модул бўлиб, унинг ролини оддий пўлат сим пружина бажаради, унинг конструкцияси 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Пўлат симли майший ва цилиндрик пружинанинг конструкцияси

Думалоқ кўндаланг кесимли симдан тайёрланган винцимон цилиндрсимон пружиналарнинг асосий геометрик параметрлари қуйидагилардан иборат:

- d- симнинг диаметри;
- D_H - пружинанинг ташқи диаметри;
- D- пружинанинг ўртача диаметри;
- t- пружинанинг қадами;
- α - ўрамларнинг кўтарилиш бурчаги;
- L - ёйиқ пружинанинг узунлиги.

Шуни таъкидлаш керакки, пружинанинг асосий характеристикаси унинг эгилувчанлиги бўлиб, унинг катталиги пружинанинг C индексига тўғри пропорционал бўлиб, C индекснинг қиймати уларнинг нисбатга боғлиқ:

$$C = D/d \quad (2)$$

Пружина симининг диаметри ва пружинанинг ташқи диаметри қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Пружина сими кўрсаткичлари


d	<2,5	3-6	6-12	C=D/d
C	5-12	4-10	4-9	

Куч усули асосида полимер ва лок-бўёқ қопламаларидаги ички кучланишлар қийматини юқори аниқликда аниқлаш имконини берувчи оригинал қурилма ишлаб чиқилди ва лойиҳаланди.

Қопламалардаги ички кучланишларни ўлчаш учун куч усули асосида ишлаб чиқилган ва тайёрланган қурилманинг схемаси 3-расмда келтирилган.

Ишлаб чиқилган қурилмада ички кучланишлар намунани дастлабки ҳолатга чиқаришда пружинага таъсир қилувчи куч бўйича аниқланади.

Пружинанинг кучи ҳисобига қопламаларнинг ички кучланиши аниқланади. Бунда пружина сиқилиш учун ишлайди.



1-корпус. 2 - таглик. 3 -
электр иситиш элементи. 4 -
втулка. 5 - устун. 6 - тортилган
пружина. 7 - шток. 8 - сиқилган
рамка. 9 - сиқилган винт. 10 -
микрометр шпиндели. 11 -
копқоқ. 12 - тикин. 13 - ушлагич.
14 - бошқарувчи винт

**3-расм. ВУ типдаги
қурилманинг схемаси**


Асбоб бир вақтнинг ўзида олти намунада ички кучланишларни аниқлаш имконини беради. У юқори ҳарорат ҳосил қилиш мумкин бўлган камера ва 100°C гача ҳароратли сув буғи муҳитидан иборат.

Синов намуналари намуналарни маҳкамлаш учун 6 уяга ва намуналарни корпусдаги олд шиша ойнадаги чизик билан аниқланадиган бошланғич, ноль ҳолатга ўрнатиш учун 6 та ростлаш винтлари 14 га эга бўлган вертикал тутқич 13 га маҳкамланади. Корпусдаги дераза орқали ростлаш, сўнгра пробка 12 билан ёпилади. Консоль маҳкамланган тагликнинг эркин учи штокка тиралиб туради, шток орқали куч ростланган пружина 6 га узатилади. Синов намуналари намуналарни маҳкамлаш учун 6 уяга ва намуналарни корпусдаги олд шиша ойнадаги чизик билан аниқланадиган бошланғич, ноль ҳолатга ўрнатиш учун 6 та ростлаш винтлари 14 га эга бўлган вертикал тутқич 13 га маҳкамланади. Корпусдаги дераза орқали ростлаш, сўнгра беркитгич 12 билан ёпилади. Консоль маҳкамланган тагликнинг эркин учи штокка тиралиб туради, шток орқали куч ростланган пружина 6 га узатилади. Бу асбобда синаш учун тагликлар, худди консолли усулда бўлгани каби, қалинлиги 0,1-0,5 мм, эни 10-20 мм ва узунлиги 100 мм бўлган СТХ18Н9 маркали зангламайдиган пўлатдан тайёрланади.


Тадқиқот натижаларини таққослаш учун полимер ва лок-бўёқ қопламаларида қуриш-қотиш вақтидан полимер ва лок-бўёқ қопламаларида ички кучланишларнинг пайдо бўлиш қонуниятининг аҳамияти, яъни полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг ейилишида, ҳароратли муҳитларда шаклланиши ва ҳавода совутилишида уларнинг ўсиш кинетикаси куч усулига асосланган қурилмада ҳам, консоль усулига асосланган қурилмада ҳам ўрганилди.

4-расмда. (а ва б) полиамидли ПО-220 қотирувчиси билан қотирилган ЭД-20 (а) ва эпоксид локидан (б) тайёрланган эпоксид қопламалардаги ички кучланишларнинг боғлиқлик графиклари 4-расмда 160°C ҳароратда 25 соат давомида ва 20°C ҳароратда ҳавода 15 соат давомида қотирилган қопламалардаги ички кучланишларнинг қийматлари иккита қурилмада

аниқланган: консоль усулга асосланган қурилма ва куч усулига асосланган қурилма.



а)




б)

1. қопламалардаги ички кучланишлар консоль усули билан аниқланган
2. қопламалардаги ички кучланишлар куч усули билан аниқланган.

4-расм. ЭД-20 (а) ва Э-4 (б) эпоксидли қопламаларни ПО-220 полиамидли қотирувчи билан 25 соат давомида 160⁰С ҳароратда қотиш ва ҳавода 25 соатдан 40 соатгача ёки 15 соат давомида совитишда ички кучланишларнинг ўзгаришига боғлиқлиги

4-расмдан кўриниб турибдики, қопламалардаги ички кучланишлар қотиш вақтига боғлиқ ҳолда экстремал характерга эга. Максимумдан ўтиб, дастлаб 15 ва 20 соатгача қотиш кучаяди, кейин 15-40 соат давомида совитилганда ички кучланиш аста-секин пасаяди. Бунда ички кучланишлар қиймати косол усулига асосланган қурилмада ўлчанган. Бунда ички кучланишлар қиймати куч усулига асосланган қурилмада ўлчанган. Бунда иккала қурилмадаги ички кучланишларнинг ортиш максимумлари мос равишда 2,5 ва 3,8 МПа оралиғида бўлади.





1-консоль усулига асосланган қурилма; 2-куч усулига асосланган қурилма;

5-расмда 102 Т изоцианатли қотиргич билан 160⁰С ҳароратда 25 соат давомида қотирилган ва 20 0С ҳароратда ҳавода 15 соат давомида совутилган Э-41 маркали лок асосидаги қопламалардаги ички кучланишларнинг ўзгариш боғланишлари келтирилган

5-расмда ҳам 102 Т изоцианатли қотирувчи билан қотирилган Э-41 асосидаги локли қопламада ички кучланишларнинг ўзгариши кузатилади. Бунда қопламалардаги ички кучланишларнинг юқори қийматлари 15-20 соат давомида қотишида кузатилади ва улар мос равишда 4,0 ва 4,9 МПа оралиғида бўлади.

Маълумки, эпоксид смоласи изоцианатлар билан қотирилганда смолаларнинг гидроксил гуруҳлари изоцианат гуруҳлари билан таъсирлашиб уретан смоласини ҳосил қилади.



$$R'NH_2 + 2CH_2-\underset{\text{O}}{\overset{|}{\text{C}}}-CH-CH_2-[R]_n-CH_2-\underset{\text{O}}{\overset{|}{\text{C}}}-CH-CH_2 \longrightarrow$$

$$\longrightarrow R'N \begin{cases} CH_2-\underset{\text{OH}}{\overset{|}{\text{C}}}-CH-CH_2-[R]_n-CH_2-\underset{\text{O}}{\overset{|}{\text{C}}}-CH-CH_2 \\ CH_2-\underset{\text{OH}}{\overset{|}{\text{C}}}-CH-CH_2-[R]_n-CH_2-\underset{\text{O}}{\overset{|}{\text{C}}}-CH-CH_2 \end{cases} \quad (5)$$

18




Шуни таъкидлаш керакки, қиздирилганда, макромолекулалар занжирларининг ҳаракатчанлиги иссиқлик ҳаракати натижасида ортганда, қотиш чуқурлиги ортади.



19

жараёнларнинг тугалланмаганлигига полимернинг таглик билан ўзаро таъсири ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ички кучланиш релаксацион жараёнларнинг тугалланмаганлиги мезони сифатида полимерларнинг физик ҳолатига сезиларли даражада боғлиқ. 8-расмда эпоксид смолалари ва тўйинмаган олигоэфирлар асосида олинган уч ўлчамли тузилишли қопламаларни қиздиришда ички кучланишларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ички кучланишлар кутбловчи-оптик усул билан ўлчанди.



7-расм. ЭД-20 эпоксид смоласи (1) ва ПЭ-220 (2) ва ПЭ-29 (3) полиэфир локларидан тайёрланган қопламаларни иситиш ва совутиш жараёнида ички кучланишларнинг ўзгариши

Кўриниб турибдики, 20°C ҳароратда, яъни ўрганилган қопламалар учун кимёвий таркибига қараб 40 - 80°C ни ташкил этадиган шишланиш ҳароратидан пастда ички кучланишлар 3 - 23 МПа ни ташкил қилади. Эпоксид қопламаларининг ички кучланишининг паст қийматлари -20 дан +40°C гача кузатилади. Улар 80°C гача, яъни шишланиш ҳароратидан юқори қиздирилганда, ички кучланишларнинг аста-секин 0,1 - 0,5 МПа гача пасайиши кузатилади.

Ички кучланиш катталигига плёнка ҳосил қилувчи молекулаларнинг молекуляр массаси сезиларли таъсир кўрсатади, бу уларнинг эгилувчанлиги ва конфигурациясига ва тизимнинг структуравий-механик хусусиятларига таъсир қилади. 2-жадвалда қопламалар олишда кенг қўлланиладиган эпоксидианли смолаларининг таркиби ва тавсифи ҳамда термик қотиришда олинган, улар асосидаги қопламаларнинг физик-механик хоссалари келтирилган.

2-жадвал

Эпоксид смоласи асосидаги қопламаларнинг физик-механик хоссалари

Молекуляр масса	Эпоксид гуруҳларининг таркиби, %	Гидроксил гуруҳларининг миқдори, %	Е, ГПа	σ _{ик} , МПа	σ _{уз} , МПа
300-400	24,8-21,5	0,1-0,8	2,7	10-20	30-40
400-600	21,5-14,5	0,8-2,5	2,7	8-15	30-40
600-800	14,5-10,0	2,5-4,6	2,5	5-10	25-30
800-1000	10,0-8,0	4,6-5,1	1,8-2,5	2-4	20-25
1000-1400	8,0-6,0	5,1-6,0	2,5	2-4	30-34
1400-1800	6,0-4,0	6,0-6,5	3,0	1-3	30-34
1800-3500	4,0-2,0	6,5-6,8	3,2	1-2	30-35


Жадвалдан кўриниб турибдики, молекуляр масса ортиши билан ички кучланишлар камаяди.

Эпоксидларнинг молекуляр массасининг ортиши билан ички

кучланишларнинг камайиши полимерланишда иштирок этувчи эпокси гуруҳлар сонининг камайиши ва камроқ зич фазовий тўрнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин эди.


Шу билан бирга, кимёвий боғларнинг сони эритувчилардаги плёнкалар ва қопламаларнинг бўкишини аниқ белгилаб бермайди, уларнинг тарқалиш характери муҳимдир (8, 9-расмлар).

Аминли қотирувчилардан фойдаланилганда, 20 °С да 1 соат ва 160 °С да 2 соат давомида шаклланган қопламаларнинг молекуляр массаси ортиши билан смолалар спиртларда камроқ бўкади. Худди шу шароитларда изоцианатлар билан қотирилган қопламалар учун бўкишнинг молекуляр массага тескари боғлиқлиги кузатилади: молекуляр масса камайиши билан бўкиш камаяди.



1 - Э-41; 2 - Э-33; 3 - Э-44; 4 - Э-49

8-расм. 102 Т маҳсулот билан қотирилган эпоксид локлари асосидаги қопламаларнинг метанолда 20°С да барқарорлиги




1 - Э-49; 2 - Э-44; 3 - Э-33; 4 - Э-41

9-расм. Аминли қотирувчи билан қотирилган эпоксид локлари асосидаги қопламаларнинг метанолда 20°С да барқарорлиги

Шундай қилиб, бўкиш ва фазовий тўр қалинлиги ўртасида бир қийматли боғлиқлик мавжуд эмас. Ушбу натижалар ички кучланишлар миқдорига нафақат боғланишлар сони ва табиати, балки уларнинг тизимдаги тақсимланиш характери ҳам сезиларли таъсир кўрсатишини кўрсатади.


Қопламаларнинг хоссаларига субстрат юзасини модификацияловчи грунтловчи ва ғовакларни тўлдирувчи таркиблар сезиларли таъсир кўрсатади. Саноатда ишлаб чиқариладиган грунтлар ва ғовак тўлдирувчилар қўлланилганда бир қатор ҳолларда ички кучланишларнинг пасайиши билан бир қаторда қопламаларнинг субстратга адгезияси камаяди ва уларнинг чидамлилиги пасаяди, тадқиқот натижалари 10-расмда келтирилган.



1-ПЭШ шпатлёвки; 2-ПВАК поливинилацетат грунтovací; 3-М-60 грунтovací; 4-ГТВА грунтovací; 5-ишлов берилмаган; 6-КФ-1

10-расм. Ички кучланишнинг грунтровка турига ва ПЭ 220 локли қопламалар қалинлигига боғлиқлиги

11-расмда эпоксид қопламаларни шакллантиришда СКС-50 (1), СКН-40 (2), СКД-1 (3) ва СКН-18 (4) ҳамда турли хил эпоксид ва полиэтилен қопламаларни шакллантиришда ички кучланишларнинг қуйи қатлам қалинлигига боғлиқлиги келтирилган.




1-3-эпоксидли; 4-полиэтиленли
11-расм. Эпоксидли қопламаларни шакллантиришда СКС-50 (1), СКН-40 (2) ва СКД-1 (3) ва СКН-18 (4) ва турли қопламаларни шакллантиришда ички кучланишларнинг қатлам ости қалинлигига боғлиқлиги

11-расмдан кўриниб турибдики, эластик тағқатламдан фойдаланганда қопламаларни шакллантиришда ички кучланишларнинг кескин пасайиши фақат унинг оптимал қалинлигида кузатилади. Қатлам қалинлиги 30-40 мкм гача камайиши билан ушбу полимерлар ўзининг юқори эластиклик хоссаларини йўқотди ва уларнинг қопламалари юзасида шаклланишида ички кучланишларнинг релаксациясини таъминламади. Бу ҳодисанинг сабаби юпқа пардаларнинг молекула усти тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ва қопламанинг қалинлигига боғлиқлиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, бошқа тенг шароитларда тағлик учун грунтловчи қатлам ости грунтоткасининг қалинлиги ва турлари, адгезион ўзаро таъсирнинг мустаҳкамлигини белгиловчи боғланишлар табиати ва уларнинг бўлиниш чегарасида тақсимланиш характери ички кучланишлар қийматига сезиларли таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг “Машинасозлик мақсадлари учун юқори чидамли композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари ва қопламаларини уларда ички кучланишларни камайтириш орқали тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш” деб номланган бешинчи бобида полимер қопламаларни иссиқлик, ёруғлик ва намлик таъсирида структуралаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. ички кучланишларнинг ортиши билан бузилиш энергиясининг чизикли ўсишини таъминлайдиган, шунингдек, ички кучланишларнинг ортиши ўз навбатида қопламаларнинг чидамлилигига таъсир қилади.

12-расмда алкид қопламаларнинг эскиришида чидамлиликни ички кучланишларга боғлиқлиги келтирилган.



1 - 20 °C сувда
2 - 180 °C даги ҳавода
12-расм. Алкид қопламаларнинг эскиришида чидамлиликнинг ички кучланишларга боғлиқлиги

3-жадвалда ишлаб чиқарилаётган композицион полимер-полимер лок-бўёқ материалларининг таркиблари келтирилган бўлиб, улар юқори чидамлилиқни таъминлайдиган ички кучланишларни пасайтирилган декоратив ва антикоррозион қопламаларни олиш учун ишлатилади.

3-жадвал

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигида қўллаш учун эпоксид, полиэфир ва алкид полимерлар асосида ишлаб чиқилган композицион полимер ва лок-бўёқ материалларининг тавсия этилган самарали таркиблари ва хоссалари

Марки	ПЛКМ-1		ПЛКМ-2		ПЛКМ-3		ПЛКМ-4	
Полимерлар турлари	ЭД -20	ПЭ- 220	ЭД -20	Алк ид	Э- 41	ПЭ- 220	Э- 41	Алк ид
Композиция компонентлари таркиби мас.қ.	40	60	50	50	60	40	70	30
Ички кучланиш $\sigma_{ик}$, МПа	2,8		2,2		1,4		0,8	
Узилишдаги мустаҳкамлик $\sigma_{ум}$, МПа	84,0		82,0		56,0		45,0	

Субстрат грунтотка билан ишлов берилган композицион полимер ва лок-бўёқ қопламаларининг хоссаларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, олинган натижалар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, терморектив полимер-полимер композицияларни ишлаб чиқиш ва қаттиқ субстрат-таглик юзасида грунтоткани қўллаш натижасида қопламалардаги ички кучланишлар сезиларли даражада пасаяди, бу эса уларнинг чидамлилигини оширади.

4-жадвал


СКД-1 ва КФ-1 грунтоткалари билан ишлов берилган эпоксидли, полиэфир ва алкидли қопламаларнинг хоссалари

Марки	ПЛКМ-1	ПЛКМ-2	ПЛКМ-3	ПЛКМ-4
Ички кучланиш $\sigma_{ик}$, МПа	$\frac{0,2 - 0,3}{0,8 - 1,0}$	$\frac{0,1 - 0,2}{0,5 - 0,6}$	$\frac{0,08 - 0,10}{0,1 - 0,4}$	$\frac{0,03 - 0,05}{0,09 - 0,10}$
Узилишдаги мустаҳкамлик $\sigma_{ум}$, МПа	82,0	80,0	55,0	43,5

Диссертациянинг “Ишлаб чиқилган машинасозлик композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари ва қопламаларини пахта териш машиналари, ғалла комбайнлари ва турли тракторлар конструкциялари, узеллари ва корпуслари деталларида ерга ишлов бериш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиштириш жараёнларида қўллашнинг амалий ва иқтисодий жиҳатлари” деб номланган олтинчи бобида пахта териш машиналари, ғалла комбайнлари ва турли тракторлар конструкциялари, узеллари ва корпуслари деталларида ишлаб чиқилган машинасозлик композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари ва қопламаларини қўллашнинг амалий ва иқтисодий жиҳатлари келтирилган қишлоқ хўжалиги техника деталларида

қўлланиладиган ички кучланишлари паст бўлган маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш муаммолари келтирилган бўлиб, улар композицион полимер ва лок-бўёқ материаллари ва улар асосидаги қопламалар учун самарали таркиблар олиш технологиясини ишлаб чиқиш соҳасидаги истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.
